



КПСС XXV СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 201 (5550).

14
ОКТАБРЬ

СЕШАНБА

1975 йил.

Баҳоси 2 тийин.

◆ ДОНГДОР механизатор

Энвер Алнев бу йил 300 тонна

пахта териб мажбуриятини ол

ган эди. У эрта-кичи ўз сўзи

нинг устидан чиққанлиги ҳўри

сида рапорт беради. Суратда:

Э. Алнев.

Х. Аввалов фотоси.



ЖАНГОВАР ЧАҚИРҚЛАР

Мусаффо самонни тўлди-
риб, миллион-миллион қаб-
ларини куддириб муаззам
шаҳарлар, гулшан қишлоқлар
бўйлаб, фойиб ҳаётимизни
қўйлаб партия Чақириқлари
ниграмоқда. Олам-олам маъ-
нога эга, она-Ватанимиз,
миллат ҳалқимиз ҳақидаги
маъвога тўлиқ бўлган Чақириқ-
лар жарангламоқда... Дилларини
фахру-ғурурга, оиларинини су-
рурга тўлдирмоқда.

Азамат ишчиларимиз, шон-
ли деҳқонларимиз, мисдор
этиларимиз КПСС XXV
съездини муносиб кутиб олш
учун социалистик мусобақани
ғоятда авж олдириш, комму-
нистик жамият қуриш йўлида
улкан ғалабаларни қўлга кири-
таётган бир заминда КПСС
Марказий Комитетининг
Улуғ Октябр социалистик
революциясининг 58 йиллиги
муносабати билан Чақириқ-
лари эълон қилинди. Маълум
Чақириқлардаги жондор пар-
тиянинг ҳар бир сўзи, ҳар
бир оташин даъвати барча со-
вет ишчиларини нигдан-йиги
ютуқлар сари илҳомлантириб
юборди, ҳар бир меҳнат аҳли-
нинг юрагига маънавий куч-
қўдрат бахш этди.

Совет Иттифоқи меҳнат-
кашлари! КПСС XXV съезди-
ни муносиб кутиб олш учун
бошланган умумхалқ соци-
алистик мусобақасини кенг қўл-
лаб қўлингиз! 1975 йил пилани
муддатидан илгари баҳарини
таъкидлаш беш йиллигини му-
ваффақиятли тугалаш учун
курашингиз!

Катта байрамларни, муборак
тантаналарни аризулик тўна-
лар билан кутиб олш, бундай
улдурғ айёмларга муносиб
соғна-саломлар тайёрлаш хал-
қимизга ҳос, замонамизга мос
ғўзал аъналардир. Ўзинчи
беш йиллик ҳисобига меҳнат
қилаётган коллективлар, бир
беш йилликда икки беш йил-
ликни адо этиб қўйган илгор-
лар, белгиланганидан ошқча
маҳсулот етказиб бераётган за-
вод-фабрикалар, ўн-ўн икки
кунда пахта планларини дун-
дирлиб нўйган колхоз ва совхоз-
лар, гектаридан 50—55 цент-
нер «оқ олтин» ҳосили олш
учун курашаётган заршунослар,
ақл бовар қилмайдиган тилсиз-
моллар қалитини толоватган
кашифчи олиқлар... Буларни
хисоблаб адоғига этиб бўлмай-
ди. Партия ва халқимиз бундай
ажойиб коллективларнинг, ми-
лионерларнинг, ватанпарвар
ташаббускорларнинг қадр-қийматига етади, уларни
ҳамини улуғлайди.

Коммунизм бинокли —
улдур совет халқига шон-шараф-
лар!

Тўққизинчи беш йиллик
тошчиларини худдатидан
илгари баҳарган меҳнаткашлар
коллективларига, ишлаб чиқи-
риш илгорларига шон-шараф-
лар!

КПСС Марказий Комитети-
нинг Бош секретари ўртоқ
Л. Н. Брежнев СССР Филар
академиясининг 250 йиллигига
бағишланган тантанали ке-
нашда «Олдимизда улдурғ ва-
зифалар турбиди, ўртоқлар.
Бунда гап совет жамияти тур-
мушининг ҳамма соҳаларини—
экономикани, ижтимоий муно-
сабатларини янада ривожланти-
риш тўғрисида, одамлар онгига
ўзинининг коммунистик иде-
алларини талаб қилган йўлда
ҳамда фан ва техниканинг энг
янгини ютуқларини асосида ўсти-
риш ҳақида бораётир». — де-
ди. Буни яхши тушушга сано-
ат ҳодимларимиз Ватанимиз
бойлигини ва халқ фаровонли-
гини мутасадди ўстиришга, со-
циалистик экономикани янада
юксалтиришга, меҳнат умум-
дорлигини ва ишлаб чиқариш
самардорлигини тинмай оши-
ришга, қамроқ чиқим қилиб,
кўпроқ, сифатлироқ маҳсулот
беришга, мамлакатимиз инду-
стриал қудратини янада ривож-
лантиришга, техника тараққи-
ятини жадаллаштиришга, ишлаб
чиқаришнинг янги қуаватлари-

ни тезроқ ўзлаштиришга ва
улардан яхшироқ фойдаланиш-
га бажону-дил ҳаракат қилмоқ-
дадир.

КПСС Марказий Комитети-
нинг Чақириқларида таъкид-
ланганидек, кишлоқ ҳўжалиги-
ни интенсификация, унинг сам-
радорлигини ошириш, ҳўжалик-
лараро кооперация асосида иш-
лаб чиқариш ихтисослашти-
риш ҳамда концентрациялаш,
ер, техника, меҳнат ва моддий
ресурслардан омиқкорлик билан
фойдаланиш, кишлоқ ҳўжали-
гини комплекс механизация-
лаш, электрлаштириш ва хи-
миялаш, меиорация суръат-
ларини жадаллаштириш кол-
хозчи деҳқонларимиз, барча
кишлоқ ҳўжалиги меҳнатчилари
олдида турган энг муҳим
вазифалардир.

Республикамиз, жумладан,
пойтахт областимиз кишлоқ
ҳўжалиги ҳодимларининг қў-
лига соҳаларга эришаётган
ютуқларни партиянинг жа-
натлиги билан Чақириқларида ба-
йини жадаллаштириш кол-
хозчи деҳқонларимиз шў ке-
ча-қундузларда ғоятда сер-
гайратлик билан тер
тўқмоқдалар. Республикаимиз
бўйича она-Ватанга таъда қи-
линг 5 миллион 200 минг
тонналик пахта хирмони уйла-
диган кунлар узоқ эмас. Об-
ластимиз пахтакорларининг аса
Улуғ Октябрнинг шонли байра-
мига муносиб арумонларни 430
минг тонна Тошкент «оқ ол-
тин» бўлади.

КПСС Марказий Комитети-
нинг Чақириқларида совет олиқ-
лари, инженерлари, техника-
лари, рационализатор ва илхиро-
чилари, адабиёт ва санъат ар-
боблари, маданият, маориф,
соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳа
ҳодимлари ҳам ўз жабҳаларида
лигидан-янгини муваффақиятлар-
га эришадилар, деб қатъий
ишонч билдирилади.

— Яшасин Совет Иттифоқи-
нинг ленинча таъқи сиебати—
халқлар тинчлиги ва дўстлиги
сиебати, империализмга, реак-
ция ва урушга қарши кураша-
ётган ҳамма кучларини жиш-
лаштириш сиебати!

Ҳақон ва нисоният тарихида
янгини давр — дунёни револю-
ция янгиллаш, капитализмдан со-
циализмга ўтиш дағрини очиб
берган, эксулдатгани, ҳўрлик,
зуравонлик кишанларини пар-
чалаб ташлаган Улуғ Октябр
социалистик революцияси бай-
рамини биз билан биргаликда
қардош социалистик ҳамдўст-
лик мамлакатларининг халқла-
ри, ер юзидан ҳамма тарақ-
қийпарвар кишилар, импери-
ализмга, ирчиликка, адолатсиз-
ликка қарши, озодлик, тинчлик,
демократия ва социализм учун
фидокорона курашаётган барча
халқлар ҳам кенг нишонлайди-
лар. Шу бонсдан ҳам КПСС
Марказий Комитетининг Чақи-
риқларида интернационал таъ-
лимот, социализм ва комму-
низм учун кураш байроғи —
марксизм-ленинизм ғояларига
содиқ бўлган халқларга ва ре-
волюционерларга самийий, қиз-
ғини саломлар йўлланган.

Коммунистик жамият меъмо-
ри бўлмиш совет халқи, жаҳон-
даги энг бахтиёрлар ўлкаси
бўлмиш она-Ватанимиз фахр
қилса аризудек зафарлар куч-
моқда. Жонажон Коммуни-
стик партияимиз раҳнамолигида
халқимиз шаҳдам одимлар бил-
дан нурафшон келажак томон
бормоқда. Эзлик саккиз йил
муқаддам социалистик револю-
ция ва дохийимиз Владимир
Ильич Ленин томонидан ёқил-
ган дўстлик, тенглик, биродар-
лик, тинчлик, бахт-саодат қўё-
ли башариат осмонда мангун-
ликка порлаб турибди.

— Яшасин ишчилар синфи,
бутун совет халқининг сигна-
лар авангарди — Совет Итти-
фоқи Коммунистик партияси!
Яшасин партия билан
халқнинг бузилмас буюк бирли-
ги!

— Марксизм-ленинизм бай-
роғи остида, Коммунистик пар-
тия раҳбарлигида коммунизм
ғалабаси сари олға!

КОЛХОЗЧИЛАР ВА СОВХОЗЛАРНИНГ ХОДИМЛАРИ! ҚИШ-
ЛОҚ ҲўЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ДАВ-
ЛАТГА СОТИШ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРҚЛАРИНИ БАЖА-
РИШГА ҚУНТ БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛИНГИЗ! ЧОРВА ҚИШЛО-
ВИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ УТҚАЗИШ ВА ҚУҚЛАМГИ ЭКИШГА
НАМУНАЛИ ТАЙЕРГАРЛИК ҚУРИШ УЧУН, 1976 ЙИЛДА МҲЛ
ҲОСИЛ ОЛИШ УЧУН КУРАШИНГИЗ!

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябр социалистик революциясининг 58
йиллиги муносабати билан чиқарган Чақириқларидан.

Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети, Ўзбекистон ССР Олий
Совети Президиуми ва Ўзбекистон
ССР Министрлар Совети пахта те-
риш ва уни давлатга сотиш юзаси-
дан областлар, районлар, совхозлар
ва колхозлар ўртасидаги социалистик
мусобақанинг 1975 йил октябр ойи
биринчи ўн кунлигидаги ақунларини
қўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Со-
вети Президиуми ва Ўзбекистон ССР
Министрлар Советининг кўмача Ки-
зил байроғи Сирдарё областига (об-
ласт партия комитетининг секретари
ўртоқ Хайдулов, област ижроия
комитетининг раиси ўртоқ Қўчқоров,
област кишлоқ ҳўжалиги ишлаб чи-
қариш бошқармасининг бошлиғи
ўртоқ Ибодуллоев, пахта тайёрлаш
трестининг бошқарувчиси ўртоқ Шо-
диев, «Узсельхозтехника» област
бўлишининг раиси ўртоқ Хобта,
област сугориш системалари бош-
қармасининг бошлиғи ўртоқ Турсун-
ов, област комсомол комитетининг
секретари ўртоқ Абдураимов) бе-

ТЕРИМ ҚАҲРАМОНЛАРИ

ришга қарор қилинди. Бу област
пахта тайёрлаш йиллик пиланини
72,03 процент бажарган ва ўн кун-
ликда пахта тайёрлашни 47,66 про-
цент, машина теримини 54,68 про-
цент, кўпайтиришни таъминлаган.
Байроқ Андижон областидан олиб
берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Со-
вети Президиуми ва Ўзбекистон ССР
Министрлар Советининг кўмача Ки-
зил байроғи Тошкент областига (об-
ласт партия комитетининг секретари
ўртоқ Мусабоев, област ижроия
комитетининг раиси ўртоқ Юсу-
пов, област кишлоқ ҳўжалиги ишлаб
чиқариш бошқармасининг бошлиғи
ўртоқ Исоқов, пахта тайёрлаш трес-
тининг бошқарувчиси ўртоқ Отаме-
тов, «Узсельхозтехника» област бир-

лашмасининг раиси ўртоқ Киселев,
област сугориш системалари бош-
қармасининг бошлиғи ўртоқ Муси-
мов, област комсомол комитетининг
секретари ўртоқ Бобоев), қол-
дирилди. Бу област пахта тайёрлаш
йиллик пиланини 84,27 процент ба-
жарган ва ўн кунликда пахта тайёр-
лашни 39,97 процент, машина тери-
минини 40,67 процент кўпайтиришга
эришган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Со-
вети Президиуми ва Ўзбекистон ССР
Министрлар Советининг кўмача Ки-
зил байроғи Тошкент областининг
Юқори Чирчиқ райони (район пар-
тия комитетининг секретари ўртоқ
Қодиров, район ижроия комитети-
нинг раиси ўртоқ Мирсолихов, район
ижроия комитети район киш-

лоқ ҳўжалиги ишлаб чиқа-
риш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ
Холматов, «Узсельхозтехника» рай-
он бирлашмасининг бошқаруви-
ни ўртоқ Каримов, район сугориш
системалари бошқармасининг бош-
лиғи ўртоқ Абдуллаев, район комсо-
мол комитетининг секретари ўртоқ
Салимов) беришга қарор қилинди.
Бу район пахта тайёрлаш йиллик
пиланини 109,84 процент бажарган ва
ўн кунликда пахта тайёрлашни 54,73
процент, машина теримини 58,52
процент кўпайтиришни таъминлаган.
Байроқ Тошкент областининг Қуйи
Чирчиқ районидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Со-
вети Президиуми ва Ўзбекистон
ССР Министрлар Советининг кўмача
Кизил байроғини Сирдарё областини-

нинг Бобўт райони (район партия
комитетининг секретари ўртоқ Тўх-
таев, район ижроия комитетининг
раиси ўртоқ Бердиназаров, район
ижроия комитети район кишлоқ ҳў-
жалиги ишлаб чиқариш бошқармаси-
нинг бошлиғи ўртоқ Шукров, «Уз-
сельхозтехника» район бирлашмаси-
нинг бошқарувчиси ўртоқ Маҳмадов,
район сугориш системалари бошқар-
масининг бошлиғи ўртоқ Чубаев,
район комсомол комитетининг сек-
ретари ўртоқ Дўсматов) беришга қар-
ор қилинди. Бу район пахта тайер-
лаш йиллик пиланини 60,44 процент
бажарган ва ўн кунликда пахта тай-
ёрлашни 48,23 процент, машина те-
римини 55,23 процент кўпайтиришга
эришган. Байроқ Андижон области-
нинг Бўз районидан олиб берилади.
(Давоми 2-бетда).

430.000 ТОННА ПАХТА УЧУН

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 13 ОКТАБРГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Халқ ҳўжалик пиланига нисбатан процент ҳисобида)				
Биринчи стун — районлар, ижроия тошчиларини пахта, учинчи тўртинчи стун — бир кунда стун — мавсум бонсдан бери.				
ЮқОРИ ЧИРЧИҚ	2,40	114,15	1,97	121,98
ҚУЙИ ЧИРЧИҚ	1,19	109,71	1,33	117,71
Янгийўл	3,11	93,36	5,53	80,21
Оққўрғон	2,81	86,92	2,75	85,83
Бўқа	2,85	85,54	3,49	82,72
Бекобод	2,72	84,74	3,32	83,86
Чирчиқ	2,82	83,62	2,45	93,47
Пискент	2,57	83,53	2,43	78,09
Чиноз	3,40	81,46	5,28	74,20
Област бўйича	2,56	89,63	2,96	90,92

«ОҚ ОЛТИН»

ХИРМОНЛАРИ

◆ Шу кунларда пахта тайёр

лаш пунктларида «оқ олтин»

бунти тобора қўнайиб қўкча бўй

чўзмоқда. Суратда: Юқори Чир

чиқ районидаги пахта пунктлари-

дан бири.

А. Абаляев фотоси.

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА ШОЛИ ҲИРНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 13 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Экин майдонига нисбатан
процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, ижроия стун — бир кунлик ўсми, учин- чи стун — мавсум бонсдан бери.				
Оққўрғон	—	100,0		
ЮқОРИ ЧИРЧИҚ	—	100,0		
Пискент	—	100,0		
Янгийўл	—	100,0		
Бўқа	1,0	96,7		
Қуйи Чирчиқ	1,4	92,4		
Бекобод	3,7	88,2		
Урта Чирчиқ	1,8	87,9		
Област бўйича	1,6	91,3		

Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Со-
вети Президиуми ва Ўзбекистон ССР
Министрлар Совети давлатга саба-
вот, поллиз маҳсулотлари, картошка,
хўл мева ва узум сотиш юзасидан
областлар, районлар, колхозлар ва
совхозлар ўртасидаги социалистик
мусобақанинг 1975 йил 1 октябрга-
ча бўлган ақунларини қўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Со-
вети Президиуми ва Ўзбекистон
ССР Министрлар Советининг кўмача
Кизил байроғини Жиззах областига
(област партия комитетининг сек-
ретари ўртоқ Тоиров, област ижро-
ия комитетининг раиси ўртоқ Исо-
мов, област кишлоқ ҳўжалиги ишлаб
чиқариш бошқармасининг бошлиғи
ўртоқ Соинбазаров, кишлоқ ҳўжа-
лик маҳсулотларини харид қилиш ва
уларнинг сифати бўйича давлат бош
инспектори ўртоқ Қолдибоев, об-
ласт матлубот союзининг раиси ўр-
тоқ Нейматов) беришга қарор қилин-
ди. Бу област барча турдаги саба-
вот тайёрлаш йиллик пиланини 90,9
процент, картошка тайёрлаш пилани-
ни 30,4 процент, поллиз маҳсулотлари
тайёрлаш пиланини 159,5 процент,
мева тайёрлаш пиланини 152,3 про-
цент, узум тайёрлаш пиланини 113,5
процент бажарган ва сентябрь ойи-
да сабабот тайёрлаш йиллик пилани-
нига нисбатан 47,2 процент, поллиз
маҳсулотлари тайёрлаш пиланини 86,1 про-
цент, картошка тайёрлаш пиланини 5,9 про-
цент, мева тайёрлаш пиланини 19,8 процент,
узум тайёрлаш пиланини 92,7 процент кў-
пайтиришни таъминлаган. Байроқ

Қашқадарё областидан олиб берила-
ди.


Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Со-
вети Президиуми ва Ўзбекистон
ССР Министрлар Советининг кўмача
Кизил байроғини Тошкент областининг
Оҳангарон райони (район партия
комитетининг секретари ўртоқ Абду-
ллаев, район ижроия комитетининг
раиси ўртоқ Одилов, кишлоқ ҳўжа-
лиги ишлаб чиқариш бошқармаси-
нинг бошлиғи ўртоқ Пак, кишлоқ
ҳўжалик маҳсулотларини харид қи-
лаш ва унинг сифати бўйича давлат
бош инспектори ўртоқ Абдулрза-
ков) беришга қарор қилинди. Бу рай-
он барча турдаги сабабот тайёрлаш
йиллик пиланини 117 процент, карто-
шка тайёрлаш пиланини 70,5 про-
цент, поллиз маҳсулотлари тайёрлаш
пиланини 104,1 процент, мева тайер-
лаш пиланини 117 процент, узум тай-
ёрлаш пиланини 92,9 процент бажар-
ган ва сентябрь ойида сабабот тай-
ёрлаш йиллик пиланига нисбатан
77,6 процент, картошка тайёрлаш
пиланини 92,9 процент, поллиз маҳсулотлари
тайёрлаш пиланини 49,9 процент, мева тай-
ёрлаш пиланини 35,9 процент, узум тайер-
лаш пиланини 68,7 процент кўпайтиришни
таъминлаган. Байроқ Самарқанд об-
ластининг Самарқанд районидан
олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Со-
вети Президиуми ва Ўзбекистон ССР
Министрлар Советининг кўмача Ки-
зил байроғи Самарқанд област, Са-
марқанд районидидаги «Победа» кол-
хозига (колхоз правленисининг раи-
си ўртоқ Норбоев, партия ташкило-

тининг секретари ўртоқ Аҳмедов,
бош агроном ўртоқ Давлатов) бе-
ришга қарор қилинди. Бу колхоз
барча турдаги сабабот тайёрлаш
йиллик пиланини 122 процент, поллиз
маҳсулотлари тайёрлаш пиланини 235
процент, мева тайёрлаш пиланини
144 процент, узум тайёрлаш пиланини
92 процент бажарган ва сентябрь
ойида сабабот тайёрлаш йиллик
пиланига нисбатан 50 процент, пол-
лиз маҳсулотлари тайёрлаш пиланини
72 процент, мева тайёрлаш пиланини 51 про-
цент, узум тайёрлаш пиланини 70 процент
кўпайтиришга эришган. Байроқ Тош-
кент област Калинин районидаги
Навой номи колхоздан олиб бери-
лади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Со-
вети Президиуми ва Ўзбекистон
ССР Министрлар Советининг кўмача
Кизил байроғини Андижон област,
Ўргентепа районидидаги Фрунзе но-
ми совхозга (совхоз директори ўртоқ
Усмонов, партия ташкилотининг сек-
ретари ўртоқ Олимжонов, бош агро-
ном ўртоқ Хўжаев, ишчилар комите-
тининг раиси ўртоқ Эгамбердиев)
беришга қарор қилинди. Бу совхоз
барча турдаги сабабот тайёрлаш
йиллик пиланини 110 процент, хўл
мева тайёрлаш пиланини 100 про-
цент бажарган ва сентябрь ойида
сабабот тайёрлаш йиллик пиланига
нисбатан 88 процент, мева тайер-
лаш пиланини 25 процент, картошка тайер-
лаш пиланини 7,3 процент кўпайтиришни
таъминлаган. Байроқ Андижон об-
ласт, Избоскан районидидаги «Ок-
ласт» Избоскан районидидаги «Ок-

(Давоми 2-бетда).



МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Мана салкам бир ярим ойдири, Муҳимий номли ўзбек давлат музика театрининг концерт бригадаси областнинг бўйлаб сафарда юрибди. Ўзбекистон ССР халқ артистлари Ҳамза Умаров, Маҳмуджон Гофуров, Солих Хужаев, Рауф Болтаев, Амина Фазлова, Рахмон Турсунов сингари танкичи санъат усталари, шунингдек, ёш кўшкчи ҳамда рақосалардан ташкил топган концерт гуруҳи хозиргача қишлоқ меҳнаткашлари учун ўнлаб томошалар кўрсатди.

Концерт программаси бой ва ранг-баранг. Унда кўп миллатли Ватанимиз халқларининг мазоли кўй-қўшқилари, миниматор ва интермедиялар, лалар ва ҳажвий ашувлар, спектакллардан парчалар кенг ўрин олган.

Республика халқ артисти Фароғат Раҳматова бошлиқ санъаткорлар ҳозирга қадар Чиноз, Ўрта Чирчиқ, Бўстонлик, Бўка, Юқори Чирчиқ ва Калинин районларида бўлиб, дала меҳнаткашларига катта концертлар кўрсатишди.

Чиноз районидagi Киров номли колхозда ўтган концерт кечамиз узок вақт хотирламизда қолади, — дейди Фароғат Раҳматова. — Концертимиз мамлакатда донг таратган меҳнаткор, «Олтин Юлдуз» соҳибаси. Турсунов Окунова бригадаси дала шийониде ўтди деб сира ўйламаган эдик. Бу кун — ҳақиқий меҳнат ва санъат байрамига айланб кетгани билан ҳам мароқлидир. Шу кун биз машҳур меҳнаткорини эришилган катта галаба билан табриқладик.

Бригаданимиз, — дейди сўзда давом этиб халқ артистаси, — колхоз ва совхозларнинг маданият саройларида, клубларида, шунингдек бесонита дала шийонларида, пахта пунктлари ва заводларда концертлар билан билан чиқмоқда. Санъаткорларимиз областнинг ҳамма районларида бўлиб, улар ҳок олтин хирмонини тиклашда жонбозлик кўрсатаётган пахтакорлар дилни хушнуд этдилар.

Х. НОСИРОВ.

ТЕАТРИНГ ЯНГИ МАВСУМИ

Максим Горький номли рус давлат академик драма театрининг 42-мавсуми А. К. Толстойнинг «Шоҳ Федор Иоаннович» номли трагедияси билан бошланди. Тошкентлик артистлар гас-троль давомида Ватанимиз пойтахти Москва томошабинларига ўз санъатларини намойиш қилдилар. Бир ой давомида пойтахтдаги Сатиря театри сахнасида ўнга ақин спектакль қўйилди.

Москва сафари театримиз артистлари учун ўзига хос сано бўлиб қолди, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, театр музейининг мудири К. Михайлов. — Пойтахтнинг талабчан томошабинлари актерларимиз санъатига иккинчи баҳо беришди, айрим спектакллар юзасидан ўз талаб ва истакларини билдиришди.

Сафардан қўтарилиб руҳ билан қайтган театр коллективи бу йил тошкентликларга янги спектаклларни содга қилди. Грузин драматурги А. Цагарелининг «Аллабор бекаси», И. Дворецкийнинг «Саша Белова» ва бошқа пьесалари шулар жумласидандир.

Театрга бу йил қўйлаб Островский номли театр ва рас-сомчилик институтини битариб чиққан ёш актёрлар келиб қўшилди. Ёшлар тажрибали усталари ёрдамида тез орада томошабинлар эътиборини ўзла-рига жалб қилишлари ажаб эмас. Улар сахнага қўйган А. Лоренсеннинг «Ветсайд тарихи» номли диплом спектаклини анз шундан далолат бериб турипти.

Шу кунларда театр коллек-тивини партиямизнинг XXV съез-дига атаб янги спектакллар ус-тида иш олиб бормоқдалар.

СПОРТ ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Олий лига командалари ўр-тасдаги мамлакат чемпионат-ининг навбатдаги турда пах-такорчилар яна умидли оқша-мади. Ўз майдонларида Тбили-си динамочиларини қабул қил-ган тошкентликлар 0:1 ҳисоби-да ютқазиб, турнир жадалида-ги аҳолиларини жуда мурак-каблаштириб юбордилар.

Матч бошланиши «Пахтакор» командаси ҳимоятчиларининг ке-

лишмовчиликларини туфайли ра-қиблар ҳужумчиси В. Гудеев дарвозани анн мўлжалга ол-ди. Иккинчи минутада кири-тилган бу тўндан сўнг ҳар ик-ки команда ҳам ҳисобни ўзгар-тиришга интиди. Айниқса, пахтакорчилар «Динамо» дар-возаси олдида бир-икки ҳавф-ли вазиятларни вужудга кел-тирдилар. Лекин ҳужумчилари-миз одатдагидек қулай имко-

Узбекистон ССР Фан-лар Академиясининг академиги М. Т. Ойбек номидagi Ўзбекистон халқлар тарихи музейи-да «Улуғ Октябрь» соци-алистик революцияси ва Ўзбекистон хотин-қизларининг мавзусида очилган кўргазмани то-мошабинлар зўр қизм-қиш билан кўздан ке-чирмоқдалар. Тарих фанлари доктори Н. Содиқова ва тарих фан-лари кандидати О. Ри-заев раҳбарлигида му-зей ходимлари ташкил этган бу кўргазма Халқаро хотин-қизлар йилига бағишлангандир.

Экспонатлар бизни ҳаёлан ўт-миш даврга бошлайди. Машҳур «ичкарна». Қора фонда паранжя ёпинган икки аёл. Ўзбек хотин-қизларининг асрий қуллик бел-гилари.

Улуғ Октябрь инқилоби бу қуллик занжирини парчалаб таш-лайди, аёллар озодликка чиқ-ди. Экспонатларнинг бирида паран-

жи ташлаш ва уни ёндириш ман-зараси. Аёллар нигоҳида ҳай-рат, қувонч ва яна мамнунлик. Бурчак-бурчакларда даҳшат, наф-рат ва ғазабли нигоҳлар ҳам кўзга ташланади. Қулликка, жаҳо-лат ва разилликка бошланган

аёл профессор, ўқитувчи бор. Аёллардан 2263 киши фан кан-дидати, 77 киши фан доктори, 6 киши Фанлар академиясининг ҳақиқий ва мухбир аъзосидир. Стендларда академик М. Хожин

республика хотин-қизлари озод-лиги учун курашган фидокорлар сиймоси гавдаланади. Йўлдош Охунбобоев, Ҳамза Ҳакимзода Нидзийнинг «Хужум» кампания-сига онд китоблари, матбуотда

гина қисми уруш йиллари хоти-расига бағишланган. Стендда қи-зил ҳарфлар билан битилган ра-қамлар киши эътиборини ўзига тортади. Ўзбек хотин-қизларидан 109 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган.

Бугунги кундаги бахтиёр Ўзбек аёли ўз ҳаётидан мамнун. Сиз суратлардан бирида тошкентлик қаҳрамон она Р. Мирзаева ва унинг фарзандларини кўриб ту-рибсиз. Пастда эса «Қаҳрамон она» фахрий унвони билан Ўзбе-кистонда 32777, «Оналик шон-шухрати ордени» ва «Оналик» медаллари билан 20933511 аёл мукофотланганлиги қайд этил-ган.

Кўргазма экспонатларида Совет Шарки хотин-қизларининг бо-сиб ўтган нурли йўли ўзининг ёрқин фидосини топади.

Х. СОДИҚОВ,

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Н У Р Л И Й Ў Л

РЕПОРТАЖ

хужум эди бу. Мана, унинг даст-лабим самаралари: 1927 йил эми-рига келиб, 100 мингдан зиёд хотин-қиз паранжя ташлади. Ли-ке безларда тулгу чехралар, се-водсизликни тутатиш курслари-даги хотин-қизлар суратларида республикамиз маорифининг илк қалдирғочларини кўрасиз.

Ҳозирги кунда халқ маорифида хотин-қизлар — катта куч. Эк-спонатларнинг ҳикоя қилишча, республикамизда 9 мингдан зиёд

нова, мухбир аъзо Р. Аминова, тарих фанлари доктори М. Оху-нова суратлари кўзга ташланади. Ўзбекистон фанини жаҳонга та-нитган олималаримиздан акаде-мик Х. Сулаймонова, мухбир аъзо Е. Пугаченкова ва бошқа-ларини ҳам улар сафида кўрамиз.

Кўргазма ўзбек хотин-қизлари босиб ўтган нурли йўл сари етаклайди. Вақт ўтиши билан хи-ралашган альбомдаги суратларда

эълон қилинган мақолалари шу бўлимга қўйилган. Ўзбек сахна ва кино санъатининг илк гуна-ларини Лутфиҳоним Саримсокова, Мукаррама Турғунбоева, Ҳалима Носировалар сиймоси туширил-ган кино ленталари, тарихий те-атр афишалари ўша йилларга гу-воҳлик беради.

Улуғ Ватан урушида хотин-қиз-ларимиз кўрсатган жасорат бе-ракисдир. Экспонатларнинг катта-

БЎЛАЖАК СОЛДАТЛАР ҚАСАМЎДИ

Қишлоқ клубининг зали одамлар билан лиқ тўла. СССР Мудоффа министри буйруғи билан ҳарбий хизматга қабирил-ган йигитлар район марказида-ги Улуғ Ватан уруши қўрбон-лари хотираси учун ўрнатилган ёдгорлик пойга гулчамбарлар қўйиб қайтишди. Солиқ қиш-лоқ Совети ижроия комитети-нинг расни А. Пўлдошев таи-танали маросимни очди.

Қишлоқ аҳли номидан сўзга чиққан Ҳ. Хошимбоев, ўқитув-чи, Улуғ Ватан урушининг ве-терани Ж. Махмадалиев ва бошқалар. Қуролли Кучларда солдат бўлиб хизмат қилиш со-вет граждандарининг фахрли бурчи, уни шараф билан бажари-ш ҳақида, солдатнинг муқад-дас ваифаси, ҳарбий қасамб-дининг масъулияти ҳақида тапи-риб, ёшларга оқ йўл тилишди. Горн ва барабан садолари

остида залга пионерлар кириб келишди. 22 пионер шеърин нутқ сўзлаб, қаҳрилувчиларга гулдасталар тутди. Район ҳар-бий комиссари, подполковник Икромов бўлажак солдатларни Ватанинг уларга билдиришган ишончи билан қутлади. Ҳам-қишлоқлар нахасини кекса де-путат, Ўзбекистон ССРда хиз-мат кўрсатган ўқитувчи М. Ра-ҳимберов ўқиб берди. Шундан сўнг ҳарбий хизматига қаҳи-рилувчи Ш. Ганиев сўзга чи-қиб, Советлар Ватани осийиш-талики ва мустақиллигини сақ-лашда катта ишонч учун ми-натдорчилик билдириб, бора-жак постларда ҳушёр туриш-га, ҳақиқийларнинг юзидан ерга қаратмасликка барча ҳар-бий хизматга қаҳрилувчилар номидан ватъа берди. Бўлажак совет солдатлари шундан сўнг йигилганлар олдида эл наказы

ни сўзсиз бажариш ҳақида қа-самбд қилдилар.

Колхоз правленниси, партия ва комсомол ташкилотлари, қишлоқ Совети ижроия коми-тети томонидан Совет Армияси қўшинлари сафига қаҳрилув-чилар учун нахаз ёниб солин-ган концерт ва совлабни йи-гитларга 11-ўрта мактаб ди-ректори Н. Исраилов тошпи-ди.

Маросим сўнгида район ма-даният уйи ва мактаб бадий Ҳаваскорлари концерт қўйиб беришди. Совет Куролли Куч-ларининг бўлажак солдатлари-ли хизматга қуватишга бағиш-ланган тантанали маросим қишлоқ аҳлида катта таасурот қолдирди.

А. ИБРОҲИМОВ,
Бўстонлик район, Со-лий қишлоғи.

ЁШЛАРИНГ ЛОЙИҲАЛАРИ

А С О С И Д А

Тошкентдаги Ёшлар уйи, рес-публика техника кутубхонаси ва Алишер Навоий номли Дав-лат халқ кутубхонаси. Тош-кент очтоқлари, Самарқанддаги чойхона, Хивадаги Советлар уйи, Тошкент почтамини, метро станцияси, Марғилондаги атлас-газлама фирмаси ва бошқа кўпгина шу каби хилма-хил янги қурилишларнинг лойиҳа-ларини кўриб чиқишда Ўзбе-кистоннинг ёш архитекторлари иштирок этишди. Яқиндаги олий ўқув юрларини тамом-лаб чиққан метроморлар ҳозирга вақтда эртанги кун бинолари ва саройларини барпо этмоқда-лар.

Ўзбекистон архитекторлар союзи правленнсининг яқи-нда Тошкентда бўлиб ўт-

ган пленуми ёшларнинг ижоди-га бағишланди. Республика ар-хитекторлар союзи правленне-сининг расни Ф. Ю. Турсунов пленумда доклад қилди.

Ёш архитекторларнинг фао-лияти, деб таъкидланди пле-нумда, уларнинг социал-эсте-тики ва техникалий вазифалари-ни бугунги кунда архитектура ижодиётини олдида қўйилаёт-ган талаблар даражасида ҳал қилишда иштирок этишга ин-тилатганликларини аяс эттир-моқда.

Пленум Ўзбекистон архитек-торлар союзининг ёш мутахас-сислар билан ишлашда мав-жуд камчиликларни тутатиш юзасидан тадбирлар белгилади.

(ЎТАГ).

Реклама ВА Эълонлар

ТОШКЕНТ САЁХАТ ВА ЭКСКУРСИЯ БЮРОСИ

18 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ

ЗАКАВКАЗЬЕ БУИЛАБ

«ТОШКЕНТ — ПЯТИГОРСК — ЕРЕВАН — ТБИ-ЛИСИ — ГАГРА — АДЛЕР — БОТУМИ — СУХУ-МИ — ВОЛГОГРАД — ТОШКЕНТ» МАРШРУТИ БУИЧА

МАХСУС ТУРИСТИК ПОЕЗДДА

20 КУНЛИК

САЁХАТ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ



ПУТЕВКА ВАХОСИ — 200 СЎМ.
ПУТЕВКА ВАХОСИГА: кунейли вагонларда бориб-қелиш, вагон, ресторандарда кунига уч маҳал оқватилиш ва шаҳарлардаги экскурсия хизмати кирди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР САЁХАТ ВА ЭКСКУРСИЯ БЮРОСИ
ЙИЛ ОХИРИГАЧА ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАР БУИЧА САМОЛЕТДА ЎТҚАЗИЛАДИГАН САЁХАТЛАРГА

ПУТЕВКАЛАР СОТИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА:

«ТОШКЕНТ — СОЧИ — ТОШКЕНТ».
«ТОШКЕНТ — ЛИЦУНДА — ТОШКЕНТ».
«ТОШКЕНТ — ГАГРА — ТОШКЕНТ».
«ТОШКЕНТ — АДЛЕР — ТОШКЕНТ».
«ТОШКЕНТ — ЛЕНИНГРАД — ТАЛИН».
«ТОШКЕНТ — ВИЛЬНОС — ШЯУЛЯЙ — ПАЛАНГА — ТОШКЕНТ».
«ТОШКЕНТ — КИЕВ (Пушча, Водня)».
«ТОШКЕНТ — КИСЛОВДСК».
«ТОШКЕНТ — ПЯТИГОРСК».

«ТОШКЕНТ — МОСКВА («Серебрянка» дам олиш уйи)».
Бюро дам олиш қуилари: ОЛМАОТА, САМАРҚАНД, БУ-ХОРО, ХИВА, ШАҲАРЛАРИ ВА ИТТИФОҚЛАШ РЕСПУБ-ЛИКАЛАРИНИНГ пойтахтларига, ноябрь байрами қуилари: КИЕВ, МОСКВА, ЛЕНИНГРАД ВА ВОЛГОГРАД ШАҲАР-ЛАРИГА ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИГАН САЁХАТЛАРГА БУ-ЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

Б У Г У Н

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.55 — ТОШКЕНТ. 19.00 — «Глобус». 19.45 — Кино ола-мда. 20.50 — «Ахборот». 21.10 — Пахтакор мардлар майдони. 21.30 — Концерт. 22.00 — МОС-КВА. «Вақт». 22.30 — Хонкей-МАСК — «Спартак». ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.55 — МОСКВА. 19.15 — Моҳир қўшлар. 19.45 — Қалба яқин қўшлар. 20.30 — Телефильм. 20.50 — Саволларга жавоблар. 21.20 — Концерт. 22.00 — Хунокатли фильм. 22.40 — Эркалар эзи (бадий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Ёзув кўрс-туви. 20.35 — Ёзувчи экран. 21.05 — Тошкент янгиликлари. 21.20 — Телефильм. 21.45 — Фильм-концерт. 22.15 — Теле-фильм.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ. 19.15 — 14X да Курмайин бос-дим тиюни. 19.15 да Алмонлар-рим.
МУҚИМИЙ НОМИЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19.15 да Ёнғили ёш қарилар. 19.15 да Жон қизлар. ШАППОТ ЦИРКИДА — Москва цирки артистларининг гастролла-ри (19.00).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА
Шаҳарда иниси киши — «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛ-ЛИГИ». «ВОСТОК». «МОСКВА» (кудиз ва кечурун). «КОЗОГНС-ТОН». «ДРУЖБА» (гоҳ соатлар-да). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (куфт соатларда).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, №26. ТЕЛЕФОНЛАР